O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● E-mail: info@xs.uz ● 2006 йил 15 февраль, № 31 (3830) Чоршанба

Халқимизда "Иш қуролинг соз бўлса, машаққатинг оз бўлур" деган ажойиб мақол бор. Бувайда туманидаги "Янги қадам" ширкат хўжалиги аъзолари жорий йилда пахта ва ғалладан мўл ҳосил етиштириш учун тайёргарлик ишларини аллақачон бошлаб юборишган.

ИШ ҚУРОЛИНГ СОЗ БЎЛСА...

Аччиқкўл массивида деҳқончилик қилаётган жамоа аъзолари чўлнинг мураккаб шарт-шароитига қарамасдан ҳар йили барча соҳаларда шартнома режаларини ортиғи билан бажариб келишмоқда.

Хўжаликда ҳозир қишки юмушларни амалга ошириш қизғин паллага кирган. Шу кунгача 542 гектар майдоннинг шўри ювилди. Шунингдек, мавжуд техника ва механизмларнинг кўпчилиги сифатли таъмирдан чиқарилиб, ишга шай ҳолатга келтириб қўйилди. 480 гектар майдондаги ғалла агротехника қоидалари асосида парвариш қилинаётганлиги боис, баравж ўсмоқда.

СУРАТЛАРДА: тайёргарлик чизиғига келтириб қўйилган техника воситалари; хўжаликнинг 8-пудратида меҳнат қилаётган механизатор Шерназар Бозоров.

Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган суратлар.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси мажлисининг қарори

2005 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2006 йилда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишлари тўғрисида

1. Вазирлар Маҳкамаси қайд этадики, 2005 йил мамлакатда демократик янгилаш, бозор ислоҳотларини чуқурлаштириш ва иқтисодиётни эркинлаштириш йўлида муҳим босқич бўлди.

Ўзбекистон иқтисодиётида 2005 йилда қуйидаги сифат силжишлари юз берди.

Биринчидан, барча макроиқтисодий кўрсаткичлар бўйича прогноз параметрларга эришилди, уларнинг кўплари бўйича эса анча ошириб бажариш таъминланди. Ялпи ички маҳсулотнинг ўсиш суръатлари 7 фоизни, инфляция даражаси 7,8 фоизни ташкил этди, саноат ишлаб чиқариши 7,3 фоизга, истеъмол товарлари ишлаб чиқариш 17,7 фоизга, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши 6,2 фоизга ўсди. Давлат бюджети кутилаётган 1 фоиз тақчиллик ўрнига ялпи ички маҳсулотга нисбатан 0,1 фоиз профицит билан ижро этилди.

Барқарор иқтисодий ўсиш суръатларининг асосий манбалари қулай ташқи омиллар ҳамда углеводород хом ашё ва ресурсларга жаҳон нархлари эмас, балки биринчи навбатда бозор ислоҳотлари ва мамлакатни модернизация қилишнинг пухта ўйланган модели ва узоқ муддатли дастури натижалари бўлганлиги ўзига эътиборни жалб этади.

Иккинчидан, биринчи навбатда, иқтисодиётнинг макроиқтисодий баланслилигини, умуман иқтисодий ўсишнинг локомотивларига айланиши, демографик хусусиятлар, иш билан таъминлаш, аҳоли даромадларининг кўпайиши ва ҳоказолар билан боғлиқ бўлган муаммоларни ҳал этиши лозим бўлган соҳалар, тармоқлар ва ишлаб чиқаришларни жадал ривожлантиришни таъминлашга қаратилган иқтисодиётни тизимли ва изчил равишда таркибий янгилаш юз бермоқда.

Ялпи ички маҳсулот таркибида саноатнинг улуши 2005 йилда 2002 йилдаги 14 фоиз ўрнига 20,7 фоизгача ўсди, хизматлар соҳаси улуши 38,5 фоиздан ортиқ бўлди. Беш йил мобайнида коммуникациялар, транспорт ва алоқа тармоқларининг улуши бир ярим баравар ўсди.

2005 йилда маҳсулот экспорти ҳажмининг 11,5 фоизга ўсиши амалга оширилаётган ислоҳотларнинг ва иқтисодиётни модернизация қилишда эришилган ютуқларнинг муҳим натижаси бўлди, бунда экспорт ҳажмининг ярмидан кўпроғи тайёр маҳсулотлар ва хизматлар улушига тўғри келди. Ташқи савдо балансида мустақиллик йилларидаги энг юқори — 1,3 млрд. АҚШ долларидан ортиқ миқдордаги ижобий сальдога эришилди, олтин-валюта захиралари 1,3 баравар кўпайди.

Учинчидан, иқтисодиётни эркинлаштириш жараёнларини кенгайтириш ва чуқурлаштириш таъминланди. Солиқ юкини енгиллаштириш юзасидан кўрилган чора-тадбирлар натижасида жамланган бюджетга фискаль олиб қўйишлар 2000 йилдаги 37,1 фоиздан 2005 йилда 32,2 фоизгача, давлат бюджетига олиб қўйиш эса 22,6 фоизгача қисқарди.

Тўртинчидан, 2005 йилда моддий ресурслар ва тайёр маҳсулотни сотиш тизимини эркинлаштириш йўлида ҳал қилувчи қадам қўйилди. Тадбиркорларнинг, энг аввало кичик бизнес субъектларининг юқори ликвидли моддий ресурслар олишининг барқарор бозор механизми шакллантирилди. Биржа савдоси улуши улгуржи товар айланмаси умумий ҳажмининг 2000 йилдаги 8,5 фоиз ўрнига унинг учдан бир қисмини ташкил этмоқда.

Бешинчидан, хусусий секторни кенгайтириш, кичик бизнес, фермер хўжаликлари ва тадбиркорликни жадал ривожлантириш томонга туб бурилиш амалга оширилди.

2000-2005 йиллар даврида 4660, шу жумладан 2005 йилда 902 корхона ва объект хусусий мулк қилиб сотилди.

2005 йилда кичик бизнес объектлари сони 31,5 мингтага кўпайди ва 310 мингтадан ортиқни ташкил этди, кичик тадбиркорликнинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 38,2 фоизни ташкил этди. Иқтисодиётда жами банд бўлганларнинг 65 фоизидан ортиғи ушбу соҳада ишламоқда. Янгидан ташкил этилган иш ўринларининг қарийб 85 фоизи кичик бизнес улушига тўғри келади.

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг асосий тузилмаси сифатида фермер хўжаликлари қишлоқда жадал ривожлантирилди. Фермер хўжаликларида 1 миллиондан ортиқ киши ишламоқда, улар томонидан 2005 йилда пахта хом ашёсининг 66 фоизидан ортиғи, доннинг 55 фоизидан кўпроғи етиштирилди.

Олтинчидан, давлат ва назорат қилувчи тузилмаларнинг корхоналар молияхўжалик фаолиятига аралашишини кескин қисқартириш ҳамда хўжалик юритувчи субъектларнинг иқтисодий эркинлиги ва ҳуқуқларини жиддий равишда кенгайтириш таъминланди.

Ўтказилган текширишлар сони 2001 йилдагига қараганда 2,5 баравардан кўпроқ қисқарди. Илгари хўжалик юритувчи субъектлар томонидан тақдим этиладиган давлат статистика ҳисоботлари сони умуман олганда 2 баравар, ойлик ҳисобот бериш 5 баравар қисқарди. 12 та рухсат берувчи тартиб-қоидалар бекор қилинди, ҳисобот маълумотларининг ноқонуний талаб қилиниши учун жавобгарлик кучайтирилди.

Хўжалик судларининг фаолияти фаоллашди. 2001-2005 йилларда улар томонидан кўриб чиқилган ишлар сони 3,7 баравар, шу жумладан маъмурий қонун бузилишлари тўғрисидаги ишлар бўйича — 4 баравардан ортиқ ўсди. Бунда кўриб чиқилган ишларнинг аксарияти тадбиркорлар ва хўжалик юритувчи субъектлар фойдасига ҳал этилмоқда.

Еттинчидан, амалга оширилган ислоҳотлар натижасида аҳолининг ижтимоий аҳволи анча яхшиланди, одамларнинг онги ва менталитети ўзгармоқда. 2005 йилда бюджет соҳаси ходимларининг иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва нафақалар ўртача 40 фоизга ўсди. Аҳолининг реал даромадлари 22 фоизга кўпайди.

Хусусий мулкчиликни мустаҳкамлаш, кичик корхоналар, микрофирмалар, фермер хўжаликлари ташкил этилишини рағбатлантириш ҳисобига мамлакатда демократик жамиятнинг асоси ва таянчи сифатида ўрта синф реал шаклланмоқда.

Шу билан бирга, йирик корхоналарнинг давлат активларини сотиш жараёни суст суръатларда бормоқда. Давлат мулки қўмитаси ва унинг жойлардаги органлари фаолиятини, шунингдек "Ўзқишлоқхўжаликмаш-холдинг" холдинг компанияси, "Ўзбекэнерго" давлат-акциядорлик компанияси, «Ўзбекистон темир йўллари» давлат-акциядорлик компанияси, "Ўзбекнефтгаз" миллий холдинг компанияси сингари бозорда монопол мавқени эгаллаб турган кўплаб компаниялар объектларини хусусийлаштириш масалаларига ёндашувларни жиддий равишда қайта кўриб чиқиш талаб этилади.

Жиззах, Сирдарё, Тошкент, Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари ҳокимликлари ва масъул тузилмалари фаолиятида ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ва янгилаш ҳамда аҳолининг бандлигини ошириш мақсадида потенциал инвесторларни жалб этишда сезиларли силжишлар йўқ. Кўплаб йирик корхоналар ва тармоқларнинг молиявий аҳволи жиддий равишда яхшилашни талаб қилади.

Банкларнинг фаолияти хўжалик юритувчи субъектлар, кичик бизнес, фермерлик ва хусусий тадбиркорлик вакилларининг жиддий эътирозига сабаб бўлмоқда. Банк тизимида пул-кредит сиёсати баланслилигини, шунингдек бозор ва монетар агрегатларни бошқариш механизмини таъминлашнинг замонавий воситаларидан етарли фойдаланилмаяпти.

Уй-жой-коммунал хўжалигида ислоҳотларни амалга оширишда ҳокимликлар масъулият даражасининг пастлиги сабабли жойларда коммунал хизматларнинг рақобатли бозори суст шакллантирилмоқда. Уй-жой мулкдорлари ширкатларининг кўпчилиги ҳанузгача уй-жой фондини бошқаришга ва аҳолининг долзарб талабларини ўз вақтида ҳал этишга қодир бўлган уй-жой мулкдорларининг ҳақиқий бирлашмасига айлангани йўқ. Уй-жойларни таъмирлаш ва ободонлаштириш бўйича рақобат муҳити яратадиган коммунал ва таъмирлаш хизматлари бозори ҳанузгача ташкил этилмаган.

Энергия ресурслари, нефть маҳсулотлари ва газни тежашга доир ёндашувларни ва иш амалиётини тубдан қайта кўриб чиқиш зарур.

2. Қуйидагилар 2006 йилда иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишлари этиб белгилансин:

бюджет ва солиқ ислоҳотларини янада чуқурлаштириш, солиқ солиш тизимини соддалаштириш ва бирхиллаштириш ҳамда солиқ юкини қисқартириш асосида иқтисодиётни барқарор юқори суръатлар билан ўстиришни, барқарор ва баланслаштирилган макроиқтисодий кўрсаткичларни таъминлаш;

таркибий ислоҳотлар кўламларини ҳамда иқтисодиётни модернизация қилишни чуқурлаштириш ва кенгайтириш, хорижий инвестицияларни жалб этиш учун барча зарур шарт-шароитларни яратиш;

хусусий мулк сектори кўламини кенгайтириш, бизнес учун кафолатларни мустаҳкамлаш ва қулай муҳитни шакллантириш;

аҳоли даромадлари ва турмуш даражасини оширишнинг муҳим шарти сифатида иш билан бандликни таъминлаш;

экспортни ҳар томонлама рағбатлантириш ва валюта ресурсларини тежашни, улардан оқилона ва самарали фойдаланишни таъминлаш;

уй-жой-коммунал хўжалигида ислоҳотларни чуқурлаштириш, уй-жой мулкдорлари ширкатлари фаолияти самарадорлигини ошириш, таъмирлаш ва коммунал хизматларнинг реал бозорини шакллантириш;

биринчи навбатда энергияни кўп талаб қиладиган тармоқларда — кимё, рангли металлургия, электр энергетикаси ва бошқа тармоқларда энергия ресурслари қаттиқ тежалишини таъминлаш чора-тадбирларини амалга ошириш.

(Давоми 2-бетда).

Ишонч ёрлиқлари топширилди

Франция Республикаси Президенти Жак Ширакка Ўзбекистон Республикасининг Франциядаги элчиси Равшан Алимов ишонч ёрлиқларини топширди.

Бўлиб ўтган суҳбат чоғида Ж.Ширак икки давлат ўртасидаги дўстона муносабатлар ва ҳар томонлама яқин алоқалар анъанавий эканини қайд этар экан, маданий-гуманитар соҳадаги ҳамкорликка алоҳида урғу берди. Шунингдек, Франция Президенти икки томонлама ўзаро манфаатли муносабатларни мустаҳкамлашга муҳим аҳамият қаратаётганини ва Ўзбекистонни Франциянинг Марказий Осиё минтақасидаги асосий ҳамкори сифатида кўришини таъкидлади.

Ж.Ширак Ўзбекистон Президенти И.А.Каримовга самимий саломини йўллаб, муваффақиятлар тилади.

Болалар кутубхонасига ёрдам

14 февраль куни Тошкентда "Ўзбекистон Республикаси Давлат болалар кутубхонасининг аудиовизуал жиҳозланишини такомиллаштириш" лойиҳаси бўйича алмашув нотаналарини имзолаш маросими бўлиб ўтди. Лойиҳа доирасида Япония ҳукумати кутубхонага 28,6 миллион иена (240 минг АҚШ доллари) миқдорида беғараз ёрдам ажратади.

Ушбу маблағ ҳисобига кутубхонада маданий-маърифий тадбирларни ўтказиш учун мўлжалланган аудиовизуал тақдимот жиҳозлари, кутубхона тўпламларидаги аудио ва видео тасмаларни рақамли форматга кўчириш ҳамда чет тилларини ўрганиш учун мўлжалланган техник ускуналар харид қилинади.

Ҳужжатларга Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари Рустам Қосимов ҳамда Японияннинг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Кусумото Юичи имзо чекди.

"Жаҳон" АА.

СЕНАТДАГИ УЧРАШУВ

Мамлакатимизга ташриф буюрган Россия Федерацияси Федерал мажлиси Давлат думаси раиси Б.Гризлов раҳбарлигидаги делегация 14 февраль куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси Спикери Эркин Халилов ҳамроҳлигида Сенатга ташриф буюрди.

Сенат раисининг ўринбосари Ф.Муҳиддинова ва қўмиталар раислари билан суҳбат чоғида икки мамлакат парламентларининг ўзаро ҳамкорлигини янада мустаҳкамлаш юзасидан фикр алмашилди. Бу борадаги алоқалар ривожини сифат жиҳатдан янги босқичга кўтаришда мазкур ташриф муҳим аҳамият касб этиши алоҳида таъкидланди.

Шу куни Б.Гризлов "В.П.Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси" давлат акциядорлик жамиятида бўлиб, корхона фаолияти билан танишди.

(ЎзА).

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасида

Россия парламенти делегациясига бошчилик қилиб, расмий сафар билан мамлакатимизга ташриф буюрган Россия Федерацияси Федерал мажлиси Давлат думасининг раиси Борис Гризлов 14 февраль куни Қонунчилик палатаси депутатлари олдида сўзга чиқди. Россия парламенти қуйи палатасининг раҳбари мамлакатларимиз ўртасидаги иттифоқчилик муносабатларига юқори баҳо бериб, Ўзбекистон-Россия манфаатли ҳамкорлигини янада ривожлантириш, иккала давлат парламентларараро алоқаларини кенгайтириш ва мустаҳкамлаш муҳим аҳамиятга молик эканлигини таъкидлади. Шундан кейин Борис Гризлов Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатларининг саволларига жавоб берди.

Сўзга чиққан депутатлар К. Жумамуротова, Р. Собиржонов, А. Козлов ва бошқалар Россия Федерацияси ва Ўзбекистон Республикаси парламентлари ўртасидаги ўзаро шерикчилик муносабатларини, Давлат думаси ва Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари ўртасидаги мунтазам алоқаларни чуқурлаштириш муҳимлигини таъкидладилар.

* * *

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг бўлиб ўтган навбатдаги мажлисида депутатлар «Хавфли ишлаб чиқариш объектларининг саноат хавфсизлиги тўғрисида»ги қонун лойиҳасини биринчи ўқишда кўриб чиқдилар. Ушбу масала юзасидан Саноат, қурилиш ва савдо масалалари қўмитасининг аъзоси А. Абдуназаров маъруза қилди. Сиёсий партиялар барча фракциялари вакилларининг иштирокида бўлиб ўтган муҳокамадан кейин Қонунчилик палатаси қонун лойиҳасининг асосий қоидаларини маъқуллаб, уни биринчи ўқишда қабул қилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Инсон ҳуқуқлари бўйича вакилининг 2005 йилдаги фаолияти тўғрисида С. Рашидова маъруза қилди. Бўлиб ўтган муҳокама чоғида депутатлар жойларда инсон ҳуқуқларига риоя этилиши устидан парламент назоратини кучайтириш зарурлигини таъкидладилар, ушбу соҳадаги ишни такомиллаштириш юзасидан бир қатор таклифлар киритдилар. Қонунчилик палатаси Омбудсманнинг 2005 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ҳисоботни маъқуллаб, тегишли қарор қабул қилди.

Хушхабар

Республика Маданият ва спорт ишлари вазирлиги матбуот маркази хабар қилишича, ёш пианиночиларнинг Эстониянинг Нарва шаҳрида ниҳоясига етган Ф. Шопен номидаги халқаро танловида Ўзбекистон номидан қатнашган 10 ёшли Нодира Дадамуҳамедова фахрли иккинчи ўринга сазовор бўлди.

Халқаро танлов ғолиби

Нодира Тошкентдаги Успенский номли республика махсус мусиқа академик лицейининг 4-синфида ўқийди. Олис Болтиқбўйи мамлакатида эришилган ютуқ жажжи созанданинг халқаро ижодий мусобақалардаги илк муваффақияти эмас. Моҳир педагог, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган халқ таълими ходими Алла Кимнинг шогирди бўлган Нодира ёш пианиночиларнинг 2003 йили Грециянинг Маркполо шаҳрида, 2004 йили эса Франция пойтахти Парижда ўтказилган Н. Рубенштейн номли халқаро танловлар ғолибларидан бири сифатида ҳам эътироф этилганди.

ЗАМОНАВИЙ КОМПЬЮТЕРЛАР — ЎҚУВЧИЛАРГА



Умумтаълим муассасаларининг моддий-техник базасини янада мустаҳкамлаш, уларни зарур жиҳозлар билан таъминлаш 2004-2009 йилларда Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастурининг муҳим йўналишларидан.

Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги бу борада Осиё тараққиёт банки, шунингдек, Жанубий Корея, Япония, Германия, Хитой каби давлатлар билан самарали ҳамкорликни йўлга қўйган. Бунинг натижаси ўлароқ, вазирликка Жанубий Кореянинг "Korea Telekom" компанияси томонидан юзта замонавий компьютер беғараз ёрдам сифатида тақдим этилди. Улар пойтахтимиздаги мактаблар ихтиёрига берилади.

(ЎзА).

Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси мажлисининг қарори

2005 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2006 йилда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишлари тўғрисида

(Давоми. Боши 1-бетда).

3. Вазирликлар, идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари ўн кун муддатда:

кенгайтирилган мажлисларда иқтисодиётнинг тегишли тармоқлари ва соҳаларида иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш якунларини танқидий таҳлил қилсинлар;

аниқ тармоқ, ишлаб чиқариш ва ҳудудга татбиқан иқтисодиётни янада ислоҳ қилиш ва эркинлаштиришнинг 2006 йил учун белгиланган устувор йўналишлари амалга оширилишини таъминлайдиган зарур чора-тадбирлар комплексини ишлаб чиқсинлар.

Мажлис қарорининг мазкур банди бажарилиши тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига ахборот берилсин.

4. Марказий банк (Муллажонов), Молия вазирлиги (Азимов), тижорат банклари:

Адлия вазирлиги (Мустафоев), Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси (Саидова), Иқтисодиёт вазирлиги (Розуқулов) билан биргаликда икки ой муддатда "Микромолиялаш тўғрисида"ги Қонун лойиҳасини ишлаб чиқсинлар ва Вазирлар Маҳкамасига киритсинлар;

2006 йилнинг I чорагида кичик бизнес, фермерлик ва хусусий тадбиркорлик субъектлари учун микрокредит бериш ва микролизинг хизматларининг кенг доирасини кўрсатадиган, барча минтақаларда филиаллари бўлган ихтисослаштирилган банк ташкил этиш тўғрисида бир ой муддатда таклиф киритсинлар, унда имтиёзли кредит бериш шартларини ва берилган маблағлар қайтарилишини таъминлаш механизмини назарда тутсинлар;

биринчи навбатда мамлакатимизда ишлаб чиқарилган, узоқ муддат фойдаланиладиган товарлар олиш учун аҳолига кредит беришни жиддий равишда кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида бир ой муддатда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсинлар.

Бош вазир Ш.Мирзиёев, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси (Р.Қодиров) хўжалик юритувчи субъектлар ва аҳоли – банклар мижозларининг уларга тижорат банклари томонидан хизмат кўрсатишда, айниқса банкдаги ҳисоб рақамларидан пул маблағларини ўз вақтида олишда уларнинг қонуний ҳуқуқларига риоя қилиниши устидан таъсирчан назорат ўрнатсинлар.

5. Адлия вазирлиги (Мустафоев), Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси (Саидова), Савдо-саноат палатаси икки ой муддатда бизнесни юритиш учун рўйхатдан ўтказиш, лицензиялар ва рухсатномалар олишнинг мавжуд тизимини пухта хатловдан ўтказсинлар ҳамда:

бериладиган лицензиялар ва рухсат берувчи тартиб-қоидалар ҳамда ҳужжатлар рўйхатини кескин қисқартириш;

янги корхоналарни рўйхатга олиш ва бизнесни ташкил этишнинг хабардор қилиб қўйиш тизимига устун даражада ўтиш бўйича Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритсинлар.

6. Углеводород хом ашёни разведка қилиш ва қазиб олишнинг тасдиқланган параметрлари бажарилиши Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ў.Т.Султонов, "Ўзбекнефтгаз" миллий холдинг компанияси раиси А.Азизов томонидан суст ташкил этилганлиги ва назорат қилинганлиги қайд этилсин.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ў.Т.Султонов, "Ўзбекнефтгаз" миллий холдинг компанияси (А.Азизов) Давлат геология қўмитаси (Аҳмедов), Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги (Шайхов), Молия вазирлиги (Азимов), Иқтисодиёт вазирлиги (Розуқулов) билан биргаликда углеводород хом ашё захиралари илдам ўсишини таъминлашга йўналтирилган геология-разведка ишларини жадал ва қўлами ўтказиш учун хорижий инвестицияларни жалб этиш юзасидан чора-тадбирлар комплексини амалга оширсинлар.

Вазирлар Маҳкамаси мажлисида 2006 йилнинг биринчи ярим йиллиги якунлари бўйича амалга оширилган ишларнинг натижалари тўғрисида юқорида кўрсатиб ўтилган раҳбарларнинг ҳисоботи эшитилсин.

7. Иқтисодиёт вазирлиги (Голишев), Молия вазирлиги (Азимов), Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси (Саидова), Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари Савдо-саноат палатаси билан биргаликда икки ой муддатда:

туманлар ва шаҳарлар бўйича саноатни ривожлантиришнинг аҳволини танқидий таҳлил қилсинлар ҳамда минтақа хусусиятларини ва аҳолини иш билан энг юқори даражада таъминлашни ҳисобга олган ҳолда янги ишлаб чиқаришларни, биринчи навбатда мослашувчан кичик ва ўрта корхоналар ташкил этишнинг 2010 йилгача мўлжалланган аниқ дастурларини ишлаб чиқсинлар;

ўз маҳсулотларини ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштираётган йирик корхоналарнинг филиалларини ташкил этишга алоҳида эътибор қаратсинлар, уларга имтиёзлар ва преференциялар, шу жумладан фойдаланилмаётган биноларни инвестиция мажбуриятлари эвазига текин берсинлар.

8. Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги (Шайхов):

Адлия вазирлиги (Мустафоев) билан биргаликда янги қўшма корхоналар ташкил этишга, фаолият кўрсатаётган ишлаб чиқаришларни модернизация қилиш ва технологик жиҳатдан янгилашга йўналтириладиган хорижий инвестицияларни янада кенг кўламда жалб этиш учун ҳуқуқий базани мустаҳкамлаш юзасидан бир ой муддатда таклифлар киритсин;

инвестициялар жалб этишнинг янги шакларини амалиётга жорий қилишни кенгайтирсин, хорижий ишбилармон доираларни ва потенциал шерикларни иқтисодиётнинг айрим секторларидаги инвестиция имкониятлари тўғрисида кенг хабардор қилсин.

9. Давлат мулки қўмитаси раиси (Асқаров)га корхоналарни хусусийлаштириш ва хусусийлаштиришдан кейин қўллаб-қувватлашнинг, қимматли қоғозларнинг иккиламчи бозорини ривожлантиришнинг, шунингдек хусусийлаштирилган корхоналарни корпоратив бошқаришнинг, биринчи навбатда Кузатувчи кенгашлар самарадорлигини амалда оширишнинг муҳим стратегик йўналишларини амалга ошириш юзасидан юкланган вазифалар бажарилишининг паст самарадорлиги кўрсатиб ўтилсин.

Бош вазир ўринбосари В.А.Голишев, Давлат мулки қўмитаси (Асқаров), Молия вазирлиги (Азимов) ҳамда Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси (Саидова) икки ой муддатда 2006-2008 йилларда Хусусийлаштиришнинг янги дастурини ишлаб чиқсинлар ва киритсинлар, бунда қуйидагиларга алоҳида эътибор қаратсинлар:

стратегик аҳамиятга эга бўлмаган табиий монополиялар тармоқлари корхоналарини дастурга киритиш;

инвестор томонидан аниқ инвестиция мажбуриятлари қабул қилинган ҳолда инвестиция мажбуриятлари эвазига текин беришга тавсия этилаётган корхоналар ва объектлар рўйхатини анча кенгайтириш;

биржа савдоларида ва биржадан ташқари савдоларда сотиш учун ҳар бир корхона ва объектни сотишдан олдин тайёрлаш тизимини қайта кўриб чиқиш ва янги самарали тизимни жорий этиш;

хусусийлаштиришдан кейинги мониторингни амалга оширишга тизимли ёндашишни ишлаб чиқиш, янги мулкдорларнинг улар томонидан хусусийлаштирилган корхоналардаги ишларнинг аҳволи, ўз зиммасига қабул қилган инвестиция мажбуриятларининг бажарилиши учун иқтисодий жавобгарлигини ошириш;

холдинг ва акциядорлик компаниялари устав фондларидаги акцияларнинг давлат пакетлари улушини камайтириш.

10. Молия вазирлиги (Азимов), Давлат мулки қўмитаси (Асқаров), Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази (Юнусматов) икки ой муддатда яқин келажакда рақобатга бардошли фонд бозорини ривожлантиришни, биржа савдоларида акциялар ва объектларни сотишнинг ошкоралигини оширишни назарда тутувчи қимматли қоғозлар бозорини, айниқса иккиламчи бозорини ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқсинлар ва кўриб чиқиш учун Вазирлар Маҳкамасига киритсинлар.

11. Иқтисодиёт вазирлиги (Розуқулов), Молия вазирлиги (Азимов), "Ергеодезкадастр" давлат қўмитаси (Абдуазизов), Давлат мулки қўмитаси (Асқаров), Адлия вазирлиги (Мустафоев), Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси (Саидова) бир ой муддатда:

инвесторларга – хусусий мулкдорларга бино ва иншоотларни улар жойлашган ер участкалари билан, уларга қатъий бозор ёндашувлари асосида нарх белгилаган ҳолда, хусусийлаштириш ҳуқуқини бериш ҳисобига хусусийлаштириш объектларини кенгайтириш имконияти тўғрисидаги;

белгиланган нормалар доирасида хусусий уй-жой қурилиши учун ер участкаларини хусусийлаштириш механизми тўғрисидаги таклифларни кўриб чиқсинлар ва Вазирлар Маҳкамасига киритсинлар.

12. Молия вазирлиги (Азимов), Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси (Саидова) Савдо-саноат палатаси, Адлия вазирлиги (Мустафоев), бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда 2006 йил 1 апрелгача бўлган муддатда мавжуд аҳволни таҳлил қилсинлар ва Вазирлар Маҳкамасига:

мулкнинг кадастр баҳоси бўйича, кўчмас мулк биржасида ва ким ошди савдоларида кўчмас мулкни сотишдаги воситачилик тўловлари бўйича, мулкка доир битишувларда давлат божлари ставкалари бўйича, ихтиролар ва фирма номлари учун патентлар олишга харажатлар бўйича кўрсатиладиган хизматларга хўжалик юритувчи субъектларнинг харажатларини камайтириш;

тадбиркорлик субъектларига белгиланадиган жарима санкцияларини камайтиришни назарда тутувчи қонун ҳужжатларини янада такомиллаштириш юзасидан аниқ таклифлар киритсинлар.

13. Вазирлар Маҳкамаси Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда 2006 йил 15 апрелгача маъмурий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, бошқарув тузилмаларининг бошқариш, мувофиқлаштириш, назорат қилиш ваколатларини тубдан қисқартириш, уларнинг хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятига аралашишини ва уни регламентлашини янада қисқартириш масалаларини кўриб чиқсин ва улар юзасидан зарур қарорлар қабул қилсин.

14. Адлия вазирлиги (Мустафоев):

Ўзбекистон Республикаси Олий суди (Тошматов), Олий хўжалик суди (Ишметов) билан биргаликда тадбиркорларнинг қонуний ҳуқуқларини ҳимоя қилишга йўналтирилган суд тизимини янада мустаҳкамлаш ва суд ислоҳотларини чуқурлаштириш бўйича бир ой муддатда таклифлар киритсин;

жойлардаги адлия органларининг аҳолининг, айниқса қишлоқ аҳолисининг ҳуқуқий онгини ошириш, амалий ташаббускорликни ривожлантириш, барқарор даромад ва иш билан доимий банд бўлиш манбаи сифатида ўз бизнесини ташкил этиш борасида яратилган ҳуқуқий шарт-шароитларни тушунтириш бўйича ишларини фаоллаштирсин;

республика минтақаларида ҳокимликлар ва давлат бошқаруви органлари ходимлари учун тадбиркорлик субъектлари ҳамда фуқароларга берилган ҳуқуқ ва кафолатлар тизими тўғрисида тизимли асосда семинарлар ўтказсин;

республикада, энг аввало давлат бошқаруви органлари ва назорат қилувчи тузилмалар томонидан қонунлар ижросининг аҳволи тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига ва Сенатига ҳар йили ахборот тақдим этиш амалиётини жорий этсин;

бир ой муддатда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаменти фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш юзасидан таклифлар киритсин.

15. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари фермерларга улар етиштирадиган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини, биринчи навбатда чорвачилик ва мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишлаш бўйича кооперациянинг турли шаклларини ихтиёрий асосда ташкил этишда амалий ёрдам кўрсатсинлар, бунда уларни ташкил этишда мансабдор шахслар ноқонуний хатти-ҳаракатларининг олдини олишга алоҳида эътибор қаратсинлар.

16. Вазирлар Маҳкамаси (Ш.Мирзиёев), Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, шаҳарлар ва туманлар ҳокимликлари бир ой муддатда аҳолини иш билан таъминлаш даражасини оширишга, шу жумладан:

янги микрофирмалар ташкил этишга, оилавий бизнес ва кичик, хусусий корхоналарни ривожлантиришга, микрокредитлаш тизимини рағбатлантиришга;

йирик саноат корхоналари билан кооперациялаган ҳолда касаначиликдан фойдаланишни кенгайтиришга;

маҳаллий хом ашёни пухта қайта ишлашга ва тайёр, рақобатга бардошли маҳсулот ишлаб чиқаришга йўналтирилган енгил ва озиқ-овқат қайта ишлаш саноатининг кўп меҳнат талаб қиладиган тармоқларини жадал ривожлантиришга;

2010 йилгача бўлган даврда, энг аввало қишлоқ жойларда хизматлар кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришга;

шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида моллар, энг аввало қорамоллар бош сонини кўпайтиришни рағбатлантиришга қаратилган дастурларнинг бажарилишини назорат қилишнинг аниқ чора-тадбирларини ва механизмини ишлаб чиқсинлар.

Кўрсатиб ўтилган дастурларнинг бажарилиши Вазирлар Маҳкамасининг ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ҳар чоракда ўтказиладиган мажлисларида кўриб чиқилсин.

17. Вазирлар Маҳкамаси Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг тегишли қўмиталари ва Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши билан биргаликда икки ой муддатда амалдаги қонун ҳужжатларини иш билан банд бўлмаган аҳоли тоифасини тўлиқ ва холисона белгилаш ва уларни жаҳон амалиётига мувофиқ ҳисобга олиш юзасидан такомиллаштириш бўйича таклифлар тайёрласин.

18. Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги (Шайхов) бир ой муддатда Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси (Саидова), Савдо-саноат палатаси билан биргаликда ўтказилган амалдаги маъмурий, божхона, банк тартиб-қоидаларининг пухта таҳлили асосида кичик ва хусусий бизнес корхоналари маҳсулотларини экспорт қилиш учун барча тўсиқларни бартараф этиш тўғрисида аниқ таклифларни ишлаб чиқсин ва Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

19. Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш.М.Мирзиёев икки ҳафта муддатда барча божхона тартиб-қоидаларини бошқаришнинг ошкоралигини, ички бозорни контрабанда йўли билан келтириладиган маҳсулотлар кириб келишидан ҳимоя қилишни таъминлашни назарда тутадиган, тўғридан-тўғри амал қиладиган норматив ҳужжат сифатида янги таҳрирдаги Божхона кодексини ишлаб чиқиш бўйича, халқаро экспертларни жалб этган ҳолда, махсус ишчи гуруҳ ташкил қилсин.

20. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг уй-жой мулкдорлари ширкатлари фаолиятини такомиллаштириш бўйича ишлари қониқарсиз деб эътироф этилсин.

Бош вазир ўринбосари Н.М.Ханов, Иқтисодиёт вазирлиги (Шоабдураҳмонов), Молия вазирлиги (Азимов), "Ўзкоммунхизмат" агентлиги (Холмуҳамедов) Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда икки ой муддатда уй-жой мулкдорлари ширкатларини малакали ва ҳалол ишлайдиган мутахассислар билан мустаҳкамлаш, уларга белгиланган тартибда молиявий ёрдам бериш, монополизмни бартараф этиш ҳамда таъминлаш ва коммунал хизматлар кўрсатишнинг аниқ бозорини шакллантириш бўйича аниқ чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқсинлар ва қабул қилсинлар.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг ҳар чоракдаги якуний мажлисларида туманлар ва шаҳарлар ҳокимларининг уй-жой мулкдорлари ширкатларига уй-жой фондидан фойдаланиш масалаларида амалий ёрдам кўрсатиш бўйича ишларини танқидий баҳолаш ҳисобга олинган ҳолда уларнинг ҳисоботларини эшитиш таъминласин.

21. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси (Мирзиёев), Иқтисодиёт вазирлиги (Тўлаганов) "Ўзбекнефтгаз" (Азизов), "Ўзбекэнерго" (Шоисматов) компаниялари, "Ўзкоммунхизмат" агентлиги (Холмуҳамедов) ҳамда бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда 2006-2010 йилларда энергия ресурсларидан тежамли фойдаланиш бўйича аниқ чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқсинлар ва қабул қилсинлар, унда қуйидагиларни:

нефть, газ, газ конденсати қазиб олиш, уларни ташиш ва қайта ишлашнинг уларнинг исроф бўлишини ҳамда улардан ўз технологик эҳтиёжлари учун фойдаланиш ҳажмларини анча камайтиришни, уларни қайта ишлашнинг пухталиги ва сифатини оширишни таъминлайдиган янги прогрессив технологияларини жорий этишни;

иқтисодиётнинг барча тармоқларида энергияни тежайдиган асбоб-ускуналарни кенг жорий этишни, энергияни тежаш бўйича тармоқ чора-тадбирлари амалга оширилиши мониторингини таъминлашни;

энергия истеъмолини ҳисобга олиш ва назорат қилиш қоидаларини такомиллаштиришни, ҳамма жойда ўлчаш приборлари ўрнатилишини қатъий назорат қилишни, энергия истеъмол қиладиган приборларни энергияни сарфлаш нормативларига мувофиқлиги юзасидан халқаро стандартлар бўйича мажбурий сертификатлашни;

энергия тежалишини иқтисодий рағбатлантириш чора-тадбирларини янада такомиллаштиришни, молиявий-иқтисодий, солиқ омиллари ва механизмлари тизимидан кенг фойдаланишни;

энергиянинг анъанавий бўлмаган муқобил манбаларини кенг қўлланишни назарда тутсинлар.

22. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши (Танирбергенов), Сирдарё (Жалолов), Сурхондарё (Эшмуродов), Тошкент (Куччиев), Қашқадарё (Зайниев), Фарғона (Нурматов), Хоразм (Бобожонов), Самарқанд (Нурмуродов) вилоятлари ҳокимликлари томонидан коммунал хизмат кўрсатишдаги иқтисодий ночор корхоналарни таркибий ўзгартириш дастурларини бажариш, коммунал хизматлардан фойдаланадиган истеъмолчиларни шартномалар билан тўлиқ қамраб олиш ишларининг суст мувофиқлаштирилаётганлиги қайд этилсин.

Бош вазир ўринбосари Н.М.Ханов, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари:

Молия вазирлиги (Азимов) билан биргаликда ҳисоб-китоб қилиш механизмини такомиллаштириш ва молиявий оқимларни мақбуллаштириш йўли билан энергетика ресурслари етказиб берувчиларнинг дебиторлик қарзларини тубдан қисқартириш чора-тадбирларини ишлаб чиқсинлар ва амалга оширсинлар;

совуқ ва иссиқ сув сарфини ҳисобга олиш приборларини ўрнатиш бўйича жадвалларнинг қатъий ва изчил бажарилишини таъминласинлар.

23. Вазирлар Маҳкамаси ва Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси (Р.Қодиров) икки ҳафта муддатда хўжалик юритувчи субъектлар ва фуқароларнинг газ ва электр тармоқларига ноқонуний уланишининг олдини олиш тадбирларини ишлаб чиқсинлар ва тасдиқласинлар, уларда уланишнинг белгиланган тартибига риоя қилиниши устидан тизимли назоратни ҳамда қонун бузувчиларга ва таъминловчи ташкилотларнинг масъул шахсларига нисбатан қаттиқ жавобгарлик чораларини қўллашни назарда тутсинлар.

24. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги (Исмоилов), "Ўзагромашсервис" уюшмаси (Солиҳбоев), "Ўзқишлоқхўжаликмаш-холдинг" компанияси (Матчонов) 2006 йил 15 мартгача баҳорги дала ишларини ўтказиш учун зарур бўлган қишлоқ хўжалиги техникаси, 1 майгача эса – ғалла ўриш-йиғиш комбайнлари ва ем-хашак ўриш-йиғиш техникаси тайёрлаб қўйилишини таъминласинлар.

Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги (Ҳамроев) экиш мавсуми бошлангунгача коллектор-дренаж ва суғориш тармоқларини тозалаш ва таъмирлашни, насос станциялари ва гидротехника иншоотларини таъмирлашни тугалласин.

Молия вазирлиги кейинчалик қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчиларига қишлоқ хўжалигидаги тайёргарлик ишларини амалга оширишга кредит бериш учун Давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг ҳисоб-китоб жамғармаси маблағларини тижорат банкларига ажратиш муддатларини мақбуллаштириш масаласини кўриб чиқсин.

25. Мазкур мажлис қарорининг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш.М.Мирзиёев зимасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти

И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2006 йил 10 февраль.

ГАЗЕТХОН
сўз сўрайди

Эътиборсизлик

Аризамни инобатга олишмади

Челақдаги сут заводини сотиб олиш учун ариза бергандим. Аммо тумандаги мутасадди раҳбарлар аризамни инобатга ҳам олмай, корхонани жуда арзон нархда сотиб юборишди.

Ачинарлиси, бунда заводга тегишли асбоб-ускуналар, транспорт воситалари ҳисобга олинмабди. Бетон плиталар билан ёпилган бинолар томларига оддий ёғоч ишлатилган деб кўрсатилибди.

Хуллас, давлат мулкини ўзлаштиришнинг жуда осон йўлини топишибди. Кўчмас мулк дегани аслида кимошди савдосида сотилмайдими ва мулк учун талабгорнинг аризаси эътиборсиз қолаверадими?

Суюн ИСАНҚУЛОВ.
Пайариқ тумани.

Эътироф

Саломатлик посбонлари

Ёш авлодни жисмонан соғлом қилиб тарбиялаш ота-оналар билан бирга шифокорларга ҳам катта масъулият юклайди.

Айниқса, бу масаланинг ниҳоятда долзарблиги мазкур йилнинг Ҳомийлар ва шифокорлар йили деб аталишида янада яққолроқ намоён бўлди. Жумладан, Қорақалпоғистон Республикаси болалар шифохонасини янги жиҳозлар билан таъминлаш ишлари амалга оширилмоқда. 160 ўринга мўлжалланган шифохонада беморлар соғлиғини тиклаш учун барча шароит яратилган. Мавжуд олти бўлимда малакали шифокорлар тиббий хизмат кўрсатмоқда.

СУРАТДА: травматолог Парахат Наврўзбоев ва ҳамшира Нурсулу Бектурганова беморни текширишмоқда.

Бердиниёз АЛЛАШЕВ (ЎзА) олган сурат.

Мушоҳада

Мутахассислар нима дейишаркин?

Ўзбекистон раҳбарияти мустақиллигимизнинг дастлабки йилларидаёқ коммуникация масаласига жиддий эътибор қаратди. Қамчиқ довонини кесиб ўтувчи йўл жаҳон андозаларига мос қилиб қурила бошлади. Довоннинг энг баланд жойларидан иккита тоннел очилди. Эни 24 метрлик равон йўл барпо этилди ва у кун сайин такомиллаштирилмоқда. Эндиликда довон йўлининг хатарли жойи қолмади, ҳисоб.

Бугун бу йўлга файз бағишлаб қатнаётган автомашиналар оқимига қараб кўзингиз қувнайди. Бироқ йўл ҳақлари бирмунча қиммат. Қиш-қировли кунларда, байрам арафаларида эса нархлар кескин кўтарилиб кетади. Хўш, бу йўналишда йўл ҳақларини арзонлатиш ёхуд довон йўли орқали пойтахтга бориб-келувчилар манфаатларини ҳимоялаш учун нима қилиш керак? Масалани, назаримда, фақат эркин рақобатни йўлга қўйиш орқалигина ҳал этиш мумкин бўлади. Балки ёзги мавсумда Андижон-Тошкент-Андижон йўналишида автобуслар қатновини йўлга қўйиш ҳақида ўйлаб кўриш керакдир.

Шукрулло НЕЪМАТОВ.
Андижон шаҳри.

Муаммо

Сарсонгарчилик

Биз «Пахтакор» қишлоғида истиқомат қиламиз. Бир гуруҳ оналар фарзандларимизга бериладиган нафақа пулини ўз вақтида ололмай сарсон бўляпмиз.

Устига устак нафақа тарқатувчининг яшаш жойи қишлоғимиздан бир неча ўн километр узоқда бўлгани сабабли у ерга ҳар сафар қатнаш оғирлик қилади. Гоҳо уч-тўрт маротаба қатнаб ҳам пулимизни ололмаймиз. Болаларимизга бериладиган нафақа пулини ўз вақтида ва тўлиқ олишимизда амалий ёрдам беришингизни сўраймиз.

Муҳайё ЭШМАНОВА ва бошқалар.
Чироқчи тумани.

ОЛАМ НАФАСИ

Янгиликлар, воқеалар, далиллар

Молиявий ёрдам ажратилади

Россия Президенти Владимир Путин «катта саккизлик» аъзоларининг молия вазирлари билан бўлиб ўтган учрашувда дунёдаги камбағал мамлакатлар билан бирга МДҲ ҳудудидаги ривожланаётган давлатларга ҳам молиявий ёрдам бериш лозимлигини таъкидлади. Унинг сўзларига қараганда, ўтиш даврини бошдан кечираётган собиқ иттифоқ ҳудудидаги баъзи мустақил давлатлар шундай ёрдамга жуда муҳтож.

Россия молия вазири Алексей Кудриннинг маълум қилишича, Тожикистонга «катта саккизлик» доирасида молиявий ёрдам кўрсатилади ва ушбу мамлакатнинг ташқи қарзлари кечилади.

Талаб бажарилмаса...

Ироқда немис инженерларини гаровга олган жангарилар Германия ҳукуматига янги шарт қўйди. «Ассошиэйтед пресс» ахборот агентлигининг хабарига қараганда, мабодо расмий Берлин жангариларнинг талабини бажармаса, гаровдагилар қатл этилади.

Мазкур талабнома ёзилган видеотасма душанба куни кечқурун «Ал-Арабия» телеканалида кўрсатилди. Жангарилар Германиядан Бағдоддаги ўз элчихонасини ёпишни ва Ироқнинг амалдаги ҳукумати билан барча алоқаларни тўхтатишни талаб қилмоқда.

Супермаркетда портлаш

Истамбулдаги катта супермаркетлардан бирида кучли портлаш содир бўлди. РИА «Новости»нинг Туркиянинг «NTV» телекомпанияси маълумотларига таяниб тарқатган хабарида айтилишича, террорчилик оқибатида 11 киши қурбон бўлди.

Воқеа жойида ҳозир бўлган Истамбул губернатори Муаммер Гюлернинг таъкидлашича, супермаркетга портловчи ускуна ўрнатиб кетилган. Мазкур воқеага жавобгарликни курд террорчилари ўз зиммаларига олишди.

Парламентни тарқатмоқчи эмас

Польша Президенти Лех Каченьский мамлакат парламентини тарқатиб юбормаслигини ва муддатидан аввал парламент сайлови ўтказилмаслигини маълум қилди. Мамлакат телевидениеси орқали чиқишида у парламентни тарқатиб юборишга ҳеч бир асос йўқлигини билдирди.

Президент маъмуриятидан олинган маълумотномада айтилишича, икки ҳафта мобайнида парламент давлат бюджети лойиҳасини тасдиқлаб, давлат раҳбарига тақдим этмаса, Польша конституциясига биноан депутатларнинг ваколати тўхтатилади.

Журналистлар киришини тақиқламоқчи

Литванинг Европа Кенгашидаги делегацияси раҳбари Ўринбосари, мамлакат сейми (парламенти) ташқи масалалар қўмитаси раиси Эмануэлс Зингерс Беларусда Александр Лукашенко сиёсатини қўллаб-қувватловчи журналистлар ҳамда давлат оммавий ахборот воситалари раҳбарларини Европа Иттифоқига киришини тақиқлаб қўйишга чақирди.

Зингерс, шунингдек, Беларусдаги бир қатор нодавлат-нотижорат ташкилотларга мурожаат қилиб, бундай журналистларнинг рўйхатини тузиб беришини сўраган.

Сайловчилар талаби

«Лента.ру» сайтининг хабар тарқатишича, Гаитида фаолият юритаётган БМТнинг тинчликпарвар кучлари намойишчиларни ўққа тутган. Порт-о-Пренс шаҳрида тинч аҳоли ва БМТ кучлари ўртасида бўлиб ўтган тўқнашувлар чоғида бир киши ҳаётдан кўз юмди, тўрт киши турли даражада тан жароҳати олди.

Манбада айтилишича, гаитиликлар бундан

бир муддат олдин мамлакат президентлиги учун бўлиб ўтган сайловлар натижаларига норозилик билдиришмоқда.

Сайловда Рене Преваля 48,7 фоиз овоз олганди. Конституцияга биноан 50 фоиздан кўпроқ овоз олган кишигина мамлакат президенти бўлиши мумкин. Намойишчилар сайлов натижалари қалбакилаштирилган деб ҳисоблашмоқда ва Преваляни президент деб эълон қилишни талаб этишмоқда.

Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.

Яхшидан боғ қолади, дейди доно халқимиз. Ана шу нақлга амал қилган Қобилжон Аҳмедов Бешариқ туманидаги "Повулғон" қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудидаги қир-адирлар бағрини ўзлаштириб, 2 гектар майдонда боғ яратди. Муҳими, боғбоннинг меҳнати зое кетмади. Бултур ниҳоллар мева берди.

Ҳозирда Қ. Аҳмедов дарахтларга шакл беришни бошлаб юборди. У мавсумда боғидан 10 тонна сархил мева олишни кўзлаб меҳнат қилмоқда.

СУРАТДА: боғбон Қобилжон Аҳмедов дарахтларга шакл бераяпти.

Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.

Москвада савдо уйи бўлади

Сўнгги йилларда «Markazsanoateksport» компанияси мамлакатимиз кичик ва хусусий бизнес субъектлари маҳсулотларини экспорт қилиш бўйича кенг фаолият олиб бораяпти.

Биргина ўтган йилнинг ўзида компания ёрдамида товар ишлаб чиқарувчиларнинг 100 миллион долларлик маҳсулоти экспорт қилинди.

Компания ўтган йили Хитойнинг Шанхай ва Россия Федерациясининг Магнитагорск шаҳарларида ўз савдо уйларини очган эди. Бу «Markazsanoateksport»га ўзимизда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни янада кўпроқ экспорт қилиш имконини берди.

— Заминимизда етиштирилаётган ноз-неъматларга, шунингдек, юртимиз саноат корхоналарида ишлаб чиқарилаётган товарларга хорижда талаб йил сайин ошиб бормоқда,—дейди компания департаменти бошлиғи Бахтиёр Алижонов. — Шуни ҳисобга олиб жорий йилда Москвада ҳам ўз савдо уйимизни очишни режалаштираяпмиз. Бу иш амалга ошса, «Markazsanoateksport» марказий Россия бозорида ҳам муносиб ўрин эгаллайди.

Самандар ДОЛИЕВ.

INVITATION FOR BIDS

IFB Number: 5
Date: February 15, 2006
Loan Number: 2093-UZB
Project Title: Second Textbook Development Project
Contract Title: Procurement of textbooks and teacher's guides for comprehensive schools of Uzbekistan

The Ministryof Public Education of the Republic of Uzbekistan has planned toconduct a procurement of textbooks and teacher's guides for comprehensive schools of Uzbekistan from the funds of Loan No.2093-UZB provided bythe Asian Development Bank for the implementation of the Second Textbook Development Project, the state budget of the Republic of Uzbekistan and Textbook Revolving Fund.

1. The eligibilityrules and procedures of the ADB will govern the bidding process.
2. The Ministryof Public Education nowinvites sealed Bids from eligible Bidders topartici pate in Bidding on publishing of textbooks and teacher's guides. The manuscri pts of the textbooks and teacher's guides will be provided bythe Purchaser.
3. Local competitive bidding will be conducted in accordance with ADB Single-Stage: Two-Envelope procedure and is open toall bidders from eligible source countries.
4. Interested eligible Bidders may obtain further information from the Project Implementation Unit and inspect the Bidding Documents at the address given below starting from February15, 2006 everydayfrom 10:00 till 17:00 Tashkent time (except Saturdays and Sundays).
5. The Bidding Document maybe purchased byinterested Bidders on the submission of a written application tothe address below and upon payment of a non-refundable fee of US$ 400 (four hundred US dollars) tothe Ministryof Public Education's Bank Account No.20203840900101044001 at Central Operational Department of National Bank for Foreign Economic Activities of the Republic of Uzbekistan (Code of the bank: 00882 and Identification Number 202122808). The Residents of Uzbekistan may payin local currency(soums), the equivalent of US$ 400 (four hundred US dollars) at the exchange rate of Central Bank of the Republic of Uzbekistan on the date of execution of the payment tothe Ministryof Public Education's Local CurrencyAccount No.20203000100101044001 at Central Operational Department of National Bank for Foreign Economic Activities of the Republic of Uzbekistan (Code of the bank: 00882 and Identification Number 202122808). Method of payment is direct deposit tospecified ac count above. The deliveryprocedure for Bidding Documents tothe Bidders is mail or e-mail for overseas delivery and courier for local delivery. Noliabilitywill be accepted for loss or late delivery.
6. Bids must be delivered to the address below at or before 15:00 hours March 17, 2006. All bids must be accompanied by a securityof not less than twopercent (2%) of Total Bid Price. A Bid Securityof local Bidders maybe in local currencyand Bidders from abroad in a freely convertible currency. Late Bids shall be rejected. Bids will be opened in the presence of Bidders' representatives whochoose toattend at the address below at 15:30 hours March 17, 2006.
7. The Ministry of Public Education will not be responsible for anycosts or expenses incurred by Bidders in connection with the preparation or deliveryof Bids. Further information concerning Bidding Documents can be obtained at address below:

Ministry of Public Education of the Republic of Uzbekistan 80, Uzbekistan Street Tashkent city, 700027
Republic of Uzbekistan Telephone: +998 71 139-1573 / 139-1401 Fax: +998 71 139-15 71
E-mail: uzbpiu@globalnet.uz

ТЕНДЕРГА ТАКЛИФ

Тендер тартиб рақами: 5
Эълон қилинган кун: 2006 йил 15 февраль
Кредит рақами: 2093 - ЎЗБ
Лойиҳа номи: "Умумтаълим мактаблари учун дарсликлар ва ўқув адабиётларни нашр этиш тизимини такомиллаштириш" лойиҳаси II босқичи
Шартнома номи: Умумтаълим мактаблари учун дарсликлар ва ўқув методик қўлланмалар харид этиш

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги "Умумтаълим мактаблари учун дарсликлар ва ўқув адабиётларни нашр этиш тизимини такомиллаштириш" лойиҳасининг II босқичи доирасида Осиё Ривожланиш банкининг 2093-ЎЗБ-сонли кредити, давлат бюджети ҳамда дарсликлар айланма жамғармаси маблағлари ҳисобидан республика умумтаълим мактаблари учун дарсликлар ва ўқув адабиётларни харид этишни режалаштирган.

1. Тендер савдолари Осиё Ривожланиш банкининг тендер ўтказиш бўйича ишлаб чиқилган тартиб-қоидалари асосида ўтказилади. Тендерда ОРБ аъзоси бўлган мамлакатлардан бўлган корхона ва ташкилотларгина иштирок этиш ҳуқуқига эгадирлар.
2. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги мазкур тендерда қатнашишга ҳақли бўлган корхона ва ташкилотларни дарсликлар ва ўқув методик қўлланмаларни нашр этиш бўйича тендерга таклиф этади. Дарсликлар ва ўқув методик қўлланмаларнинг қўлёзмалари харидор томонидан берилади.
3. Тендер савдолари Осиё Ривожланиш банкининг "Бир босқичли — икки конвертли" тендер ўтказиш тартиби асосида ўтказилади.
4. Тендерда қатнашиш истаги бўлган корхона ва ташкилотлар 2006 йил 15 февралдан бошлаб ҳар куни (шанба ва якшанба кунларидан ташқари) Тошкент вақти билан соат 10.00дан 17.00гача Лойиҳани амалга ошириш гуруҳи офисида тендерга тегишли қўшимча маълумотларни олишлари ва тендер ҳужжатлари билан танишишлари мумкин.
5. Тендер ҳужжатларини олиш учун иштирокчилар 7-бандда келтирилган манзилга ёзма ариза билан мурожаат этиб, Халқ таълими вазирлигининг Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар Миллий банки Марказий амалиёт бўлимидаги 20203840900101044001-сонли ҳисоб рақамига 400 АҚШ доллари ўтказганликларини тасдиқловчи ҳужжат беришлари шарт (МФО 00882 ва ИНН 202122808). Ўзбекистон Республикасида фаолият олиб борувчи корхоналар 400 АҚШ долларининг сўмдаги эквивалентини тўлов амалга оширилган кундаги Марказий банк томонидан белгиланган валюта айирбошлаш курси бўйича Халқ таълими вазирлигининг Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар Миллий банки Марказий амалиёт бўлимидаги 20203000100101044001-сонли ҳисоб рақамига тўлайдилар (МФО 00882 ва ИНН 202122808). Тўлов усули юқоридаги ҳисоб рақамига тўғридан-тўғри пул ўтказишдан иборат. Чет давлатлардан бўлган иштирокчиларга тендер ҳужжатлари электрон почта орқали юборилади. Маҳаллий корхоналар вакиллари ҳужжатларни олиб кетишлари мумкин ёки почта орқали етказилади. Юборилган ҳужжатларнинг йўқолиб қолиши ёки кечикиб боришига харидор жавобгар эмас.
6. Барча таклифлар таклифнинг умумий қийматидан 2 фоизидан кам бўлмаган таклиф кафолати билан бирга 2006 йил 17 март соат 15.00 гача қуйида келтирилган манзилга топширилиши шарт. Таклиф кафолати Республика миллий валютасида ёки эркин алмаштириладиган валюталарнинг бирида берилиши мумкин. Тендер таклифлари 2006 йил 17 март соат 15.30да қуйида келтирилган манзилда барча иштирокчилар вакиллари иштирокида очилади. Кечикиб топширилган таклифлар очилмаган ҳолда иштирокчиларга қайтарилади.
7. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги иштирокчилар томонидан тендер таклифини тайёрлаш билан боғлиқ бўлган харажатларга жавобгар эмас. Тендерда қатнашиш истагини билдирган барча иштирокчилар қуйидаги манзилдан тендерга тегишли қўшимча маълумот олишлари мумкин:

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, 700027, Тошкент ш., Ўзбекистон к., 80-уй, 313-хона.
Алоқа учун телефонлар: (998 -71) 139-15-73, 139-14-01. Факс: (998 -71) 139-15-71.
Электрон манзил: uzbpiu@globalnet.uz

Мулкчилик шаклидан қатъи назар барча қурилиш ташкилотлари ва корхоналари диққатига!

ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ «ЯГОНА БУЮРТМАЧИ» ИНЖИНИРИНГ КОМПАНИЯСИ

2006 йилда қурилиши режалаштирилган қуйидаги иншоотларга пудратчи ташкилотларни танлаш бўйича

танлов савдосини эълон қилади:

1. **Касби тумани, Назартепа қишлоғида маҳалла типидаги ТИП-5 болалар спорт мажмуаси қурилиши. Қурилиш муддати — 120 кун. Бошланғич нархи — 175.192.527 (ҚҚС билан) сўм.**

1-ЛОТ. **1/1. Деҳқонобод туманидаги 55-сонли мактаб учун 9х18 м. спорт зали қурилиши.**
Қурилиш муддати — 90 кун. Бошланғич нархи — 73.183.297 (ҚҚС билан) сўм.
1/2. Қамаши туманининг Узун қўрғонидаги Муҳаммадиев номли 64-сонли мактаб учун гимнастика зали қурилиши.
Қурилиш муддати — 120 кун. Бошланғич нархи — 64.988.213 (ҚҚС билан) сўм.
1/3. Қарши туманидаги 9-сонли мактаб учун 12х24 м. спорт зали қўшимча бинолари билан қурилиши.
Қурилиш муддати — 120 кун. Бошланғич нархи — 120.855.712 (ҚҚС билан) сўм.

2-ЛОТ. **2/1. Миришкор туманининг Эски миришкор қишлоғидаги 21-сонли мактаб учун 12х24 м. спорт зали қўшимча биноси билан қурилиши.**
Қурилиш муддати — 120 кун. Бошланғич нархи — 120.627.265 (ҚҚС билан) сўм.
2/2. Чироқчи тумани, «Меҳнатобод» ширкат хўжалиги, Хўжақўрғон қишлоғидаги Т.Расулов номли 14-сонли мактаб учун гимнастика зали қўшимча бинолари билан қурилиши.
Қурилиш муддати — 90 кун. Бошланғич нархи — 78.044.316 (ҚҚС билан) сўм.
2/3. Шаҳрисабз шаҳридаги 93-сонли мактаб учун 12х24 м. спорт зали қўшимча бинолари билан қурилиши.
Қурилиш муддати — 120 кун. Бошланғич нархи — 120.727.740 (ҚҚС билан) сўм.

3-ЛОТ. **3/1. Шаҳрисабз шаҳридаги 99-сонли мактаб учун спорт зали қурилиши.**
Қурилиш муддати — 120 кун. Бошланғич нархи — 121.382.640 (ҚҚС билан) сўм.
3/2. Яккабоғ туманининг Ганда қишлоғидаги 3-сонли мактаб учун 9х18 м. спорт зали қурилиши.
Қурилиш муддати — 90 кун. Бошланғич нархи — 67.167.556 (ҚҚС билан) сўм.
3/3. Яккабоғ тумани, «Ҳисор» ширкат хўжалиги, Чуброн қишлоғидаги 47-сонли мактаб учун 24х12 м. спорт зали қўшимча бинолари билан қурилиши.
Қурилиш муддати — 120 кун. Бошланғич нархи — 121.757.084 (ҚҚС билан) сўм.

4-ЛОТ. **4/1. Деҳқонобод тумани, М.Ибрагимов номли ширкат хўжалиги, Хўжапуллас қишлоғидаги 26-сонли мактаб учун гимнастика зали қурилиши.**
Қурилиш муддати — 90 кун. Бошланғич нархи — 75.535.210 (ҚҚС билан) сўм.
4/2. Касби туманининг Комилон қишлоғидаги 43-сонли мактаб учун спорт зали қурилиши.
Қурилиш муддати — 120 кун. Бошланғич нархи — 121.000.000 (ҚҚС билан) сўм.
4/3. Китоб шаҳридаги Охунбобоев номли 4-сонли мактаб учун спорт зали қурилиши.
Қурилиш муддати — 120 кун. Бошланғич нархи — 122.724.405 (ҚҚС билан) сўм.

5-ЛОТ. **5/1. Китоб тумани, Гулгунпушт қишлоғидаги Увайсий номли 29-сонли мактаб учун 12х24 м. спорт зали қурилиши.**
Қурилиш муддати — 120 кун. Бошланғич нархи — 122.724.405 (ҚҚС билан) сўм.
5/2. Миришкор туманининг Памук қишлоғидаги 22-сонли мактаб учун қўшимча бинолари билан спорт зали қурилиши.
Қурилиш муддати — 120 кун. Бошланғич нархи — 120.690.919 (ҚҚС билан) сўм.
5/3. Касби туманининг Фазли қишлоғидаги 44-сонли мактаб учун 12х24 м. спорт зали қурилиши.
Қурилиш муддати — 120 кун. Бошланғич нархи — 120.375.000 (ҚҚС билан) сўм.

Буюртмачи — Вилоят ҳокимлиги «Ягона буюртмачи» инжиниринг компанияси.
Манзил: Қашқадарё вилояти, Қарши шаҳри, «Ўзбекистон овози» газетаси кўчаси, 3-уй.
Телефонлар: (8-375) 227-16-56, 227-19-82, 227-18-95.
Қурилиш ишларини молиялаштириш — Ўзбекистон Республикаси болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ҳисобидан амалга оширилади.

Танлов савдоларида қатнашиш учун талабгорлар қуйидаги шартларга: *етарли касбий ва техникавий малакага, иншоот қийматининг камида 20 фоиз миқдорида бўш айланма маблағига (заҳирадаги қурилиш материаллари билан бирга) ёки ушбу маблағларни тақдим қилишга банк кафолатномаси мавжудлиги, молиявий имкониятлар ва етарли ишчи кучи ресурсларига, шартнома (контракт) тузишга лаёқатли, юридик ҳуқуққа эга, шунингдек, ўхшаш иншоотларни қуриш бўйича тажрибаси борлиги ва ишончли бўлиши шарт.*

Савдода иштирок этиш ва танлов ҳужжатларини сотиб олиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси —

Қарши шаҳри, Ўзбекистон кўчаси, 52-уйда жойлашган Капитал қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига мурожаат қилиш мумкин. Тел./факс: 221-07-79.

Оферталар савдо ташкилотчиси томонидан юқорида кўрсатилган манзилда қабул қилинади.

Бир тўплам тендер ҳужжатларининг нархи — 60 000 сўм.

Таклифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати — оферталар очилиш куни ва соати. Тендер савдолари эълон матбуотда чоп этилгандан бошлаб 30 кундан кейин буюртмачи биносида ўтказилади.

Ушбу жойда **Сизнинг** рекламангиз бўлиши мумкин эди!

«Халқ сўзи»даги **Реклама** — бизнесингизни қўллаб-қувватлайди!

Сизни қуйидаги манзилда кутамиз: Тошкент ш., Матбуотчилар к., 32-уй, 242-хона. Тел.: 136-09-25, 132-10-63. E-mail: Xalk_suzi@rambler.ru

Башарият тарихининг ижтимоий-сиёсий, илмий-маданий ҳаётида салмоқли ўрин тутган сиймолардан бири буюк ватандошимиз Заҳириддин Муҳаммад Бобурдир.

Бобур Мирзо улуғ шоир ва адиб, қомусий илм соҳиби, айни замонда моҳир лашкарбоши ва йирик давлат арбоби ҳам эди. Унинг шеърий девони, «Бобурнома», «Аруз рисоласи», «Хатти Бобурий», «Мубаййин», «Рисолайи волидиййа» (таржима) каби илмий ва бадиий баркамол асарлари бизгача етиб келган. Бу асарларнинг ҳар бири ўзбек назми ва насри ривожида муҳим босқични ташкил этиш билан бирга, адабий-бадиий фикр тараққиётига қўшилган катта ҳисса, XV аср охири — XVI аср бошларидаги Ўрта Осиё, Афғонистон ва Ҳиндистоннинг тарихи, жуғрофияси, этнографияси, ўсимлик ва ҳайвонот олами, халқи, одамларининг касб-кори, тили, ҳаёт тарзи ва бошқа хусусиятлари ҳақида бебаҳо маълумотларни ўзида мужассам этган манбадир.

ИСТИҚЛОЛ ЭЪЗОЗИДАГИ МЕРОС

Шунинг учун ҳам мазкур асарлар, хусусан, "Бобурнома" кўп асрлардан бери Шарқ ва Ғарб тарихчилари ҳамда бошқа фан соҳалари вакилларининг диққат-эътиборини ўзига тортиб келмоқда, уларнинг Ўрта Осиё, Афғонистон, Ҳиндистон ва Эрон мамлакатлари тарихини ўрганишларида муҳим манба бўлиб хизмат қилмоқда.

Маълумотларнинг кўплиги, аниқ ва тўлалиги, тарихий воқеаларнинг ростгўйлик билан ифода этилиши, хронологик изчиллик, ифоданинг соддалиги ва равонлиги "Бобурнома"нинг тарихий манба сифатидаги афзалликлари ва жозибасини янада оширади. Бу жиҳатдан у кўпгина Шарқ тарихчиларининг китобларидан устун туради. Ана шу фазилатлари билан узоқ замонлардан бери бутун дунёда кўплаб соҳа олимларининг диққат-эътиборини жалб қилиб келди ва улар томонидан юксак баҳоланди. Айни пайтда муаллифнинг инсоний фазилатларини, чунончи, йирик лашкарбоши, ҳар қандай қийинчиликдан қўрқмайдиган саркарда, илм-фан ва санъатни севадиган, ижод аҳлини қадрловчи олижаноб шахс эканини якдиллик билан таъкидлайди.

Инглиз тарихчиси Эдуард Холден Бобурни лашкарбоши, арбоб ва адабиётчи сифатида Цезарь билан бир қаторга қўйса, жозибадор характери жиҳатидан Рим ҳукмдоридан ҳам юқори турувчи деб билади ва ***"Унинг мангалайига юксак фазилатли инсон деб битиб қўйилган"***, дейди.

Бобур сиймосини белгилайдиган хусусиятлар орасида унинг темурийлар салтанатини сақлаб қолиш, сиёсий ва иқтисодий жиҳатдан мустаҳкам давлат тузишга бўлган саъй-ҳаракатлари алоҳида кўзга ташланади. Бу курашларда у мард ва жасоратли, узоқни кўзлайдиган арбоб ва моҳир саркарда сифатида кўринади.

Айтиб ўтилганидек, Бобур ботирлигининг чеки бўлмаган. Унинг ҳатто икки-уч киши билан кўп сонли душманга қарши жангга кириб ғалаба қилган пайтлари ҳам бўлган. Навкарларига доимо ғамхўрлик кўрсатиши, оддий жангчидай барча машаққат ва уқубатларни улар билан бирга тортиши, аксарият пиёда юриши, тоғу тош ошиб, сув кечиб, сафар қийинчиликларига шерик бўлиши, қаҳратон совуқлар ва жазирама иссиқ азобларини бирга тортиши сабабли жангчилар ўртасида катта ҳурматга сазовор бўлади, уларнинг ишончини қозонади ва қўшинда мустаҳкам интизом ўрнатишга эришади. У халққа зулм қилувчи, талончилик билан шуғулланувчи бек ва навкарларни аёвсиз жазолайди.

Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Бобур Ҳиндистонда оз вақт ҳукмдор бўлиб турган бўлсада, талай ишларни амалга оширишга муваффақ бўлади. У мусулмон бўлмаган аҳолидан олинадиган тамға солиғини бекор қилади. Ғазна ва Афғонистоннинг бир қанча вилоятларидаги сув иншоотларини тузаттиради. Кобул, Деҳли, Агра шаҳарларида, Жамна дарёси ёқаларида катта қурилиш ишларини олиб боради.

"Бобурнома"да фақат ҳарбий амалдорлар, йирик мулк эгалари ва бошқа синф вакилларигина тасвирланиб қолмасдан, XV асрнинг охири ва XVI аср бошларида Моваро-уннаҳр ва Хуросонда яшаб ижод этган шоирлар, мусаввирлар ва илм-фан, маданият намояндалари ҳам тасвирланган.

Бобур, айниқса, ўзбек мумтоз адабиётининг фахри, ўз ижоди ва илмий-адабий фаолияти билан жаҳон адабиёти хазинасига улкан ҳисса қўшган буюк Алишер Навоий ҳақида завқ-шавқ билан сўзлайди:

«Алишербек назири йўқ киши эди. Туркий тил била то шеър айтубтурлар, ҳеч ким онча кўп ва хўб айтқон эмас. Олти маснавий китоб назм қилибтур, беши "Хамса" жавобида, яна бир "Мантиқ ут-тайр" вазнида "Лисон ут-тайр" отлиқ. Тўрт ғазалиёт девони тартиб қилибтур: "Ғаройиб ус-сиғар", "Наводир уш-шабоб", "Бадойи ул-васат", "Фавоид ул-кибар" отлиқ. Яхши рубоиёти ҳам бор".

Бобур асос солган салтанат мамлакатни сиёсий жиҳатдан бирлаштириш, ободонлаштириш ва маданий жиҳатдан юксалтириш нуқтаи назаридан Ҳиндистон учун фойдали бўлган эди.

Жавоҳарлаъл Неру ўзининг "Ҳиндистоннинг кашф этилиши" ва "Жаҳон тарихига бир назар" асарларида Бобур ва унинг набираси Акбарга юксак баҳо берган. Жумладан, у шундай деб ёзади:

> *"Бобур — дилбар шахс, Уйғониш даврининг типик ҳукмдори, мард ва тадбиркор одам бўлган. У санъатни, адабиётни севарди, ҳаётдан ҳузур қилишни яхши кўрарди. Унинг набираси Акбар яна ҳам дилбарроқ ва кўп яхши фазилатларга эга бўлган. Мард, жасур, истеъдодли лашкарбоши, раҳмдил, шафқатли, идеалист ва хаёлпараст, шу билан бирга, у ҳаракатчан, ўз ишини давом эттирувчиларнинг садоқатига сазовор бўлиш учун интилувчи одам бўлган".*

Бобур меросини ўрганиш узоқ тарихга эга. Айниқса, сўнгги йилларда унинг қўлёзмаларини излаш бўйича қилинган ишлар таҳсинга сазовордир. Бобурнинг шу кунгача ўзбек ва форс тилларидаги шеърларидан таркиб топган, Париж Миллий кутубхонаси, Истанбул университети кутубхонаси, Топқопи сарой Реванд кутубхонаси, Ҳиндистондаги Рампур навоби кутубхонасида сақланиб келинаётган қўлёзма девонлари нусхалари асосида Бобур шеърларининг мукаммал матни яратилмоқда. Маданий меросимизни тўплаш ва тадқиқ қилиш борасидаги тинимсиз изланишлар натижасида Бобур девонининг янги қўлёзма нусхалари топилиб, илмий истифодага киритилмоқда. Хусусан, Ҳайдаробддаги "Саларжанг" музейи ҳазинасидан шу кунга қадар умуман бирорта каталогда қайд этилмаган Бобур қўлёзма девонининг XVII—XVIII асрларга мансуб янги иккита қўлёзма нусхасининг маълум қилиниши бунинг ёрқин далилидир.

Истиқлол халқаро алоқаларга кенг йўл очди. Бобур халқаро жамғармаси Бобур ҳаёти ва ижодини ўрганиш бўйича кўпгина хорижий давлатларга мувaффақиятли экспедициялар уюштирди. Жумладан, Бобурнинг Машҳад музейида сақланаётган ва ўзи ихтиро қилган хат билан ёзилган "Қуръони Карим" қўлёзма нусхасининг ватанимизга келтирилиши маданий ҳаётимизда катта воқеа бўлди. Шунингдек, асарлари тўплами қўлёзмасининг Теҳрон Миллий кутубхонасида сақланаётгани ҳамда юртимизга келтирилган нусхаси ҳам шоир меросини келгусида мукаммал ўрганишда илгари қўйилган собит қадамдир. Ўз навбатида, Теҳрон нусхаси бизда мавжуд қўлёзма нусхалар матнларига ҳам анча тузатиш ва қўшимчалар киритишга имкон бера оладиган даражадаги манба дейишга асос бор. Хуллас, Теҳрон қўлёзма нусхасини бошқа қўлёзмалар билан қиёслаш натижасида шуни айтиш мумкинки, бу қўлёзма Бобур асарларининг муаллиф қаламига энг яқин бўлган ва энг ишончли матнини яратишда ўзига хос, бетакрор манба сифатида истифода қилишга лойиқ эътиборли нусха эканлигини қайд этиш мумкин.

Ҳозирда буюк аждодларимиз қатори Бобур мероси ҳам ҳар томонлама ўрганилмоқда, оммалаштирилмоқда. Хусусан, Бобур меросини ўрганишни кучайтириш, рағбатлантириш ва мувофиқлаштириш мақсадида Андижон шаҳрида тузилган Бобур номидаги Халқаро жамғарманинг амалга оширган ишлари таҳсинга сазовордир. Жамғарма аъзолари кейинги йилларда ўндан ортиқ Шарқ мамлакатларида бўлиб, Бобур ва бобурийлар қадамжоларини зиёрат қилиш билан бирга, улуғ бобомиз ва унинг авлодлари ҳақидаги янги маълумотларни аниқлаш, тўплаш, буюк ватандошимиз ижодини ўрганиш борасида Ўзбекистонда қилинаётган ишлар, истиқлол туфайли мамлакатимизда рўй бераётган улкан ўзгаришлар билан кенг жамоатчиликни таништириш мақсадида ибратли фаолият олиб бормоқда.

Дарҳақиқат, мустақиллик бизга кўҳна ва бетакрор тарихимизни теран ўрганишга, ўзлигимизни англашга кенг имконият яратиб берди. Биз бугунги кунда жаҳон илм-фани ва маданияти ривожига беқиёс ҳисса қўшган Заҳириддин Муҳаммад Бобур каби улуғ аждодларимизнинг фаолияти ва бебаҳо меросининг ҳозирга қадар пинҳон ётган қирралари билан кенг жамоатчиликни ошно этишга муяссар бўлмоқдамиз.

Сайидбек ҲАСАНОВ,
филология фанлари доктори.

Спорт

torino 2006

Олимпиада ўйинлари кундалиги

Италиянинг Турин шаҳрида спорт оламининг нуфузли мусобақаларидан бири — XX қишки Олимпиада ўйинлари қизғин давом этяпти. Фигурали учиш баҳсларида ўзбекистонлик Марина Аганина ва Артём Князов жуфтлиги ҳам қатнашди. Ҳамюртларимиз йигирма мамлакат вакиллари ичида 16 поғонани банд этишди. Тоғ чанғичимиз Қайрат Эрматов ва фигурали учувчимиз Анастасия Гимазетдинова 20 февралда мусобақаларни бошлайди.

Норасмий жамоа баҳсларида ҳозирча АҚШ тўртта олтин, учта кумуш медаль билан биринчи ўринда бормоқда. Иккинчи ўринни эгаллаб турган россияликлар ҳисобида учта олтин, учта кумуш ва битта бронза медали бор. Германияликлар иккита олтин, битта кумуш медаль билан учинчи ўринни банд этиб туришибди. Ундан кейинги ўринларни Норвегия, Нидерландия, Корея, Италия, Канада жамоалари эгаллашган.

Иккинчи тур ортда қолди

Самарқандда аёллар ўртасида мини-футбол бўйича Ўзбекистон чемпионати иккинчи тур ўйинлари якунланди. Ҳозирча чемпионатда 39 очкодан жамғаришган Андижоннинг "Андижанка" ва Қаршининг "Севинч" жамоалари пешқадамлик қилишмоқда. Учинчи ўринда бораётган Зарафшоннинг "Қурувчи" жамоаси ҳисобида 30 очко бор. Тўпурарлар рўйхатини рақиблари дарвозасига 36 та тўп киритган "Севинч" жамоаси вакили Гулнора Азамова бошқариб бораяпти.

Сўнгги синов учрашуви

Айни кунларда мамлакат чемпиони "Пахтакор" БААда ўқув-йиғин машғулотларида қатнашмоқда. Мамлакатимизнинг олти карра чемпиони якунловчи синов учрашувини Россия биринчи лигаси вакили Екатеринбургнинг "Урал" жамоасига қарши ўтказди. Хабарингиз бор, мазкур клуб таркибида миллий терма жамоамиз ҳимоячиси Александр Радкевич тўп суради. Учрашувда "Пахтакор" 0:2 ҳисобида имкониятни бой берди. Вакилларимиз 19 февраль куни Тошкентга қайтиб келишади.

З. ЖОНИБЕКОВ,
"Халқ сўзи" мухбири.

ТОШКЕНТ ТЕМИР ЙЎЛ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ МАЪМУРИЯТИ

институтда таълим олаётган талабаларнинг ота-оналарини жорий йилнинг 25 февралида ўтказиладиган

"ОТА-ОНАЛАР КУНИ"га лутфан таклиф этади.

Муҳтарам ота-оналар!

Сиз ўз ташрифингиз билан нафақат бизни, балки бутун талабалар жамоасини ҳам мамнун қилган бўласиз. Шу билан бирга фарзандларингизнинг юксак билим ва савияга эга бўлиши, дам олиш ҳамда бўш вақтларини мазмунли ўтказишлари учун институтда яратилган шарт-шароитлар билан яқиндан танишасиз. Талабаларга таълим-тарбия бераётган устоз-мураббий, профессор-ўқитувчилар билан мулоқот қилиш, ўтказилаётган дарс машғулотларида қатнашиш, талабалар уйларида яшаётган ўғил-қизларингизнинг яшаш шароитларини кўриш, институтимизнинг "Магистраль" кафесида бир пиёла чой устида дилдан суҳбатлашиш имкониятига эга бўласиз.

Азиз ота-оналар!

Фарзандларимиз келажаги уларнинг бугунги кунда эгаллаётган таълим-тарбиясига, уларга бериладиган эътиборга боғлиқ.
Ўз дилбандларимизнинг келажагига бефарқ бўлмайлик!
Ёшларнинг порлоқ келажагини таъминлаш, уларнинг ҳаётда тўғри йўлни танлашларида институт билан ота-оналар ҳамкорлиги муҳим омил саналади.

ЗЕРО, "КЕЛАЖАГИМИЗ ЁШЛАРНИНГ ҚЎЛИДА" ДЕБ БЕЖИЗ АЙТИЛМАГАН. СИЗЛАРНИ 25 ФЕВРАЛЬ, ШАНБА КУНИ СОАТ 8.00ДАН ИНТИЗОРЛИК БИЛАН КУТАМИЗ.

ТошТЙМИ маъмурияти.

2156N/2567

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ

ва Ривожланаётган мамлакатлар фанлар академияси (TWAS) ёш олимлар учун биргаликда таъсис этган мукофотга танлов эълон қилади.

МУКОФОТЛАР МАТЕМАТИКА, ФИЗИКА, АСТРОНОМИЯ, БИОЛОГИЯ ВА КИМЁ СОҲАСИДАГИ ЮҚОРИ САВИЯДАГИ ФУНДАМЕНТАЛ ИЛМИЙ ИШЛАР УЧУН БЕРИЛАДИ.

ИШЛАРНИ ТАҚДИМ ҚИЛИШ ТАРТИБИ:

- танловда Фанлар академиясида, олий ўқув юртларида ҳамда бошқа давлат тасарруфидаги илмий муассасаларда фаолият кўрсатаётган, ёши 40 дан ошмаган, илмий даражага эга бўлган олимлар қатнашиши мумкин;
- танловга охирги 5 йил давомида халқаро нуфузли журналларда чоп этилган мақолалар нусхаси ҳамда чет элда нашрдан чиққан монографиялар қабул қилинади (халқаро конференцияларнинг тўпламларида чоп этилган мақолалар ва тезислар қабул қилинмайди);
- танловга муассаса раҳбари томонидан номзоднинг ёшини ва илмий даражаси мавжудлигини тасдиқловчи сўровнома тақдим қилиниши шарт;
- танловда алоҳида шахслар якка тартибда иштирок этади. Ҳаммуаллифлар мавжуд бўлган ҳолларда, номзоднинг шахсий иштироки ҳақида маълумотнома муаллифлар имзоси билан тақдим қилинади.

Ҳар бир мукофот — 500 АҚШ долларини ташкил қилади.

Ҳужжатларни тақдим қилиш муддати — 2006 йилнинг 31 мартигача.

Мукофотларни олиш тартиби, керакли ҳужжатларни расмийлаштириш масалалари ҳақида қўшимча маълумотларни қуйидаги манзилдан олиш мумкин: 700047, Тошкент ш., Я. Ғуломов к., 70-уй.
Маълумот учун телефонлар: 133-73-31, 133-29-81.
Электон почта: ahmedov@astrin.uzsci.net

2148N/2569

«ГРАНА» Алтай - Россия

УН ЁРМАЛАР барча навлари

Ун о/н 50кг, 10кг, 5кг, 2кг
Ун 1-нав
Жавдар ун
Қора буғдой, нўхатли, перловка, арпа, манна ва геркулес ёрмалари

«ГРАНА» - бу экологик тоза маҳсулот сифат кафолати ва Россия бағрикенглиги

Энди Ўзбекистонда ҳам

Грана

УЛГУРЖИ САВДО 10 ТОННАДАН ЮҚОРИ

Маҳсулот сертификатланган

Тошкент ш., Архитекторлар кўч., 17. Тел./факс 148-04-01
тел. 103-04-39, 343-52-38. E-mail: grana-altay@bk.ru

Абу Райҳон Беруний номли Тошкент Давлат техника университети ректорати, касаба уюшма қўмитаси ҳамда университет жамоаси Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси академиги, физика-математика фанлари доктори, профессор Восил Қобуловга рафиқаси

НАСИБА аянинг

вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Наманган муҳандислик-педагогика институти жамоаси техника фанлари доктори, профессор

Олим Аминович КАРИМОВнинг

вафоти муносабати билан марҳумнинг яқинларига чуқур ҳамдардлик изҳор қилади.

Халқ сўзи
Народное слово

Бош муҳаррир Аббосхон УСМОНОВ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан рўйхатга олинган.
Буюртма Г — 457. 34694 нусхада босилди,
ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

ТЕЛЕФОНЛАР:
Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар бўлими 133-52-55;
Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.

Газета IBM компьютерида терилди ва операторлар Жамшед Тоғаев ҳамда Баҳодир Файзиев томонидан саҳифаланди.

Таҳририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.

t -Тижорат материали

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов.
Навбатчи муҳаррир — М. Холматова.
Навбатчи — Ҳ. Каримов.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.30 Топширилди — 21.40 12345